



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



**“ПСИХИК АКС ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ТАРИХИЙ НАЗАРИЯЛАР”**

мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: Психология таълим
йўналиши 2 курс талабаси

Муллаев Р._____

ИЛМИЙ РАХБАР:

доц.в/б.Шарафутдинова Х. _____

Термиз – 2011

Мавзу: ПСИХИК АКС ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАРИХИЙ НАЗАРИЯЛАР

Кириш

Асосий қисм боблари

1-Боб. Психологияда психика ва психик акс эттириш муаммоси

1.1. Психик тараққиёт тўғрисидаги тарихий назариялар

1.2. Психика материя эволюциясининг натижаси эканлиги.

1.3. Хайвонларнинг инстинктлари, ўрганган ва «аклий» хатти-ҳараклари.

2-Боб. Психик акс эттиришнинг сифат жиҳатдан ўзгариши

2.1. Хайвонлар интеллектуал хатти-ҳаракатлари.

2.2. Хайвонлар мулоқоти ва «тили».

2.3. Инсон психикасининг хайвон психикасидан фарқи

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Инсон психикасининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш масаласи тадқиқотчилар олдида турган энг долзарб ва мураккаб масалалардан биридир. Илмий-материалистик таълимотга кура психиканинг пайдо бўлиши материянинг узок ривожланиши натижасидир. Органик ва анорганик материя доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади.

Психиканинг тараккиёти масалалари билан атоқли рус психологи А.И.Леонтьев, зоопсихологлар К.Э.Фабри ва А.И.Северцов шугулланганлар. К.Э.Фабри энг содда ҳайвонлар психикаси тараккиётини икки боскичга – куйи ва юкори боскичга булади. Психик тараккиётнинг куйи боскичи бир хужайрали, қисман куп хужайрали ҳайвонларга хос булиб, бу боскичда психика примитив ҳолатда булади ва ҳайвон ташки таъсирларга секанувчанлик билангина жавоб беради. Ўсимлик ва ҳайвон шаклидаги барча тирик организмлар ўз эволюциясининг ҳамма боскичларида акс эттиришнинг биологик шакли секанувчанликка эга бўлади. Секанувчанлик тирик организмнинг биологик таъсирларга жавоб бериш қобилятидир.

Психиканинг ривожланиши организмнинг мураккаб тузилишига кўра мураккабик касб этиб боради. Аммо ҳайвон психик акс эттириши билан одамнинг воқеъликни акс эттириши ўртасида сифат фарқ мавжуд. Биз бунинг биргина тил мисолида кўришимиз мумкин. Ҳайвонлар тили қанчалик мураккаб ва хилма-хил булмасин, улар бир-бирини қанчалик яхши тушунмасин, ҳайвонлар «тили» да битта энг муҳим нарсая етишмайди, у ҳам булса ҳайвонлар тили тажриба алмашиш ва уз тажрибасини кейинги авлодга мерос қилиб бериш воситаси була олмайди. Ана шуниси балан ҳайвонлар тили инсонлар тилидан тубдан фарқ қилади.

Юкоридагилардан қуриниб турибдики, психиканинг тараккиёти нерв системасининг тараккиёти билан чамбарчас боғлиқ экан. Одамнинг нерв системаси эса бош миая ва унинг қобиқ қисми шаклланганлиги билан белгиланади ва унда психиканинг энг юксак кўриниши – онгнинг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

1-Боб. Психологияда психика ва психик акс эттириш муаммоси

1.1. Психик тараққиёт тўғрисидаги тарихий назариялар

Киши психикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб, табиат қонунларининг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қиладиган тадқиқотчиларни бу муаммо ҳамма вақт қизиқтириб келган. Материалистик йўналишдаги олимлар психиканинг пайдо бўлишини материянинг узоқ давом этган ривожланишининг натижаси деб изоҳлашади. Улар материянинг табиатини тадқиқ қилишаркан, ҳаракат материянинг ҳаёт кечириш усули, унинг таркибан ўзига хос ажралмас хусусияти эканлиги учун ҳам материя ҳаракатининг турли хил шаклларини ўрганадилар.

Ўтган аждодларимиз психология муаммоларини изчил ва атрофлича, муайян йўналишда, маълум концепция асосида ўрганган бўлсалар ҳам, албатта, ўз асарларида психик ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришлари тўғрисида қимматли фикрлар билдиришган. Булар 4 хил манбада учрайди: 1) халқ ижодиётида-ривоятлар, мақоллар, маталлар ва масаллар; 2) махсус ижодкор кишилар ўғит-насихат ва ҳикоятларида; 3) қомусий, Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий-назарий қарашларида; 4) турли даврларда ижод қилган шоир ва ёзувчилар ижодининг маҳсулларида, яъни илмий-бадий асарларда.

Абу Наср Форобийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги қарашлари «Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Масалалар моҳияти», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Жисм ва акциденцияларнинг шаклларига қараб бўлиниши», «Шарҳлардан», «Ҳикмат маънолари», «Ақл маънолари тўғрисида» каби қатор асарларида баён этилган. Абу Райхон Беруний ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» китобида инсон ҳаётига доир хилма-хил маълумотларни келтиради.

Ибн Синонинг 5 томлик «Тиб қонунлари» асарида организмнинг тузилиши, ундаги нервлар ва нерв йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳақида анча муҳим маълумотлар бор. Унинг «Одоб ҳақида» рисоласи ҳам инсон шахсини шакллантириш тўғрисидаги жиддий асардир.

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир.

Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», «Хирадномаи Искандарий», «Тухфатул аҳрор», «Силсилатуз захоб» ва бошқа асарларида илм-маърифат,

таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганиш, яхши хислатлар ва одоблилик ҳақидаги фикрлар ифодаланган.

Девоний ўзининг «Ахлоқи Жалолий» номли асарида инсоний фазилатларни тўртга бўлади ва булар донолик, адолат, шижоат ва ифбатдир.

Алишер Навоийнинг «Хазоинул Маоний, «Махбубул қулуб» ва бошқа асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, одамларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик категориялар ижтимоий адолат қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Навоий асарларида шахснинг камол топишида ота-онанинг роли, аёлларнинг ифбатлилиги, инсонларнинг камтарлиги масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Россияда психологик қарашлар намуналари. Шарқ ва /арб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ қатор оғзаки ва ёзма, амалий ва илмий асарларда пайдо бўла бошлади. (Қаранг: /озиев Э. Психология, Т:»Ўқитувчи» 1994 й. 33-35 бетлар).

Психика ҳақидаги қарашлар маълум вақт (салкам 5 аср) кун тартибидан олиб қўйилди ва XIX аср охири ва XX аср бошларида /арбий Оврупо мамлакатларида ва АҚШ да яна турли мунозараларга сабаб бўла бошлади. (И.М.Павлов, Н.Е.Рибаков, К.Н. Корнилов, П.П. Блонский, А.С. Виготский - Россия, У. Джемс, С.Холл - АҚШ, ва бошқалар).

Жонсиз, ноорганик материядан тортиб то энг олий ва мураккаб материя ҳисобланмиш киши миясига қадар барча материя моддий оламнинг ялпи хусусияти - инъикос этиш хусусиятига, яъни таъсиротга жавоб қайтариш қобилиятига эгадир.

Жонсиз табиатда ҳаракат жисм ва моддаларнинг механик, физикавий ёки кимёвий таъсири тарзида юз бериши мумкин. Ноорганик табиатдаги ҳаракатнинг оддий мисолларига эътибор қилинг: денгиздаги қоя сувнинг таъсирига муайян қаршилиқ кўрсатади - тўлқинлар қояга урилиб қайтади, лекин қоянинг ўзи ҳам секин- аста емирила бошлайди; қуёш нури сув юзасига келиб урилгач, синиб қайтади; электр разрядлари натижасида озон молекулалари ҳосил бўлади.

Жонли материяга инъикоснинг биологик шакллари хос бўлиб, жонли материянинг маълум бир босқичида эса инъикоснинг янги шакли сифатидаги психика пайдо бўлади.

Материя ҳаракатининг биологик шакли-ҳаёт-табиат ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Ўлик материядан тирик материяга ўтишни

изоҳлайдиган қатор гипотезалар мавжуд. Улардан бири А. И. Опаринга тегишли бўлиб, унга кўра органик моддалар - атомлари турли шакллардаги азотнинг, кислороднинг, водороднинг, фосфор ва олтингургуртнинг атомлари билан боғланган модда углерод негизида ҳосил бўлган бирикмаларнинг пайдо бўлиши жонли материя пайдо бўлишининг зарур шarti ҳисобланади.

Опариннинг гипотезасига кўра тахминан 2 млрд йил илгари атмосферада эркин кислород ажралиб чиқиб, органик моддаларда фотохимиявий реакциянинг ва фотосинтезнинг юз беришига олиб келади. Органик бирикмаларнинг ривожланиши жараёнида углероднинг жуда ҳам мураккаб бирикмалари - бениҳоя катта молекулалар пайдо бўлади. Бу молекулалар муҳит билан доимий модда алмашинуви бўлиб туришини тақозо қилади. Бир-бири билан кўшилиб катталашуви, ёки майдаланиб кўпайиб туриши мумкин деб тахмин қилинади. Бу ўта катта молекулалар коацерватлар деб атала бошланган. Жараён яна такрорланади: ўсиш, парчаланиш ва ҳоказо.

Ҳозирги тирик организмнинг эҳтимолдан узоқ бўлмаган прототиплари-коацерватларда бўлгани каби ҳар қандай жонли материяда инъикос жонсиз табиатдаги инъикосга қараганда сифат жиҳатидан янги шакл касб этади. У фақат ташқи таъсиротнинг кучи ва характериға эмас, балки организмнинг ички ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар қандай жонли организм барча ташқи қўзғатувчиларға нисбатан танланган ҳолда «Фаол» муносабатда бўлади ва бу билан жонли материянинг сифат жиҳатидан янги хусусиятини - ўз - ўзини тартибға солиш хусусиятини намоён қилади.

1.2. Психика материя эволюциясининг натижаси эканлиги.

Узоқ вақт давом этган эволюция натижасида ҳозирги организмларда инъикоснинг қўзғалувчанликдан тортиб, то унинг анча юксак даражадаги шакллари - психик ҳаётнинг ифодаланиши шакллари бўлмиш сезгилар, идрок, хотира, тафаккурға қадар турли хилдаги шакллари кўрамиз.

Таъсирланиш - қўзғалувчанлик. Тропизм. Ўсимлик ва ҳайвонларға мансуб шакллар эволюциясининг барча босқичларида жонли организмлар инъикосининг алоҳида биологик шакли - таъсирланувчанликка эға бўлади. Таъсирланувчанлик тирик организмнинг биологик аҳамиятиға эға бўлган (биотик) таъсирға жавоб бериш қобилияти демакдир. Оддий таъсирланувчанлик содда, бир ҳужайрали тирик организмдаёқ сезилади. (Сувли пробиркадаги бир ҳужайрали амёба пробирка қиздирила бошлаши билан ҳолатини ўзгартириши бунға мисол

бўлади). Биотик таъсир натижасида жонли организмда протоплазманинг хоссаси ўзгаради.

Биотик омилларга нисбатан ўзига хос ҳаракатлар билан жавоб бериш усуллари тропизмлар ёки токсислар деб аталади. Тропизмнинг бир неча хиллари бор: фото тропизм, гелио тропизм, хемо тропизм, топо тропизм, термо тропизм ва бошқалар. Масалан, деразадаги гулнинг ёруғликка қараб интилиши - фототропизм, ўсимликнинг қуёшга интилиши гелиотропизм, кимёвий моддаларга мослашуви хемотропизм, тебраниш ва қимирлашдан таъсирланиш топотропизм дейилади ва бошқалар. Оддий сесканувчанликни бир хўжайрали ҳайвонларда ҳам куриш мумкин. Улар муҳитнинг таъсирига ҳаракатланиш билан жавоб берадилар. Биологик таъсирларга организмнинг ўзига хос ҳаракатлари билан жавоб бериш усулига тропизм ёки таксис дейилади. Тропизмнинг бир канча тури фарк қилинади. Буни қуйидаги жадвалдан куриш мумкин:

Тропизм турлари

Фототропизм	Тапотропизм
Термопропизм	Гелеотропизм
Хемотропизм	Баротропизм
Гидротропизм	

Кўп хўжайрали ҳайвонларда кўзғалувчанликнинг янги шакли- сезувчанлик мавжуддир. А. А. Леонтьевнинг гипотезасига кўра сезувчанлик генетик жихатдан олганда сесканувчанликнинг узидир. У ҳам муҳитнинг таъсирларига жавоб бериш асосида вужудга келади. Факат сезувчанлик сесканувчанликка нисбатан юқорирок босқичдир.

К.Э.Фабри фикрича, психик тараккиётнинг иккинчи босқичи куп хужайрали ҳайвонларга хосдир. Куп хужайрали ҳайвонларда акс эттириш бир мунча юқори бўлади. Бундай ҳайвонларга қавакичлилар (гидра,медуза) ни киритиш мумкин. Улар ҳам бир хужайрали ҳайвонлар қаби сувда яшайди. Лекин қавакичлилар узининг тузилиши жихатдан бир хужайрали ҳайвонлардан анча мураккабдир. Уларнинг мураккаблиги хужайраларнинг бир- биридан фарк қилганлигидадир: танасининг таъки қисмидаги хужайралар қоплагич, ички хужайралар эса ҳазм қилувчи бўлади.

Эвалюция занжирининг юқорирок қогонасида тўрган куп хужайрали ҳайвонларда тана тузулиши ҳам анча мураккаблашади, ер шароитига мос ўзгаришлар юз беради, турли таассуротларни акс эттирадиган сезги органлари вжудга келади, акс эттириш ҳам мураккаблашади.

Тугунли нерв системасига эга булган хайвонларда акс эттириш факат шартсиз рефлекслар оркалигина булмайди, балки хаёт давомида таъсирланишнинг тугма турига нисбатан анча янги, серхаракат шакли – шартли рефлекслар хосил бўлади.

Тугунсимон нерв системасининг мураккаброк шакллари атрофни акс эттириш имкониятини оширади. Анча мураккаб тугунсимон нерв системасига эга булганлардан ўргимчаксимонлар ва хашоратларни олиш мумкин. Уларнинг организми анча мураккаб тузилишга эга. Хайвонларнинг эволюцияси натижасида уларнинг рецепторида ажралиш (специализация) юз бера бошлайди. Масалан, кискичбаканинг узун мойлови – туйгу органи, калталари хид билувчи органлардир.

Хайвонларга мансуб шаклларда таъсирланувчанликнинг янги тури - сезувчанлик пайдо бўлади. А. Н. Леонтьевнинг гипотезасига кўра, сезувчанлик «генетик жихатдан қараганда, муҳитнинг организмни бошқа таъсиротлар билан боғловчи, организмни муҳитда мўлжал олишига ёрдам берувчи, сигнал берувчилик вазифасини ўтовчи таъсирларга жавоб таъсиридан бўлак нарса эмас.

Инъикос этиш даражаси кўп ҳужайрали хайвонларда анча юксакроқдир. Кўп ҳужайралиларнинг мураккаблиги ҳужайралар кўплигида эмас, ҳар хиллигидадир. Масалан, танасининг ташқи қисмида санчиладиган (чақадиган) ҳужайралар жойлашган бўлса, ички қисми эса овқат ҳазм қиладиган ҳужайралар билан қопланган. Кўп ҳужайралиларнинг организмда, шунингдек организмнинг бирон бир қисмида рўй берган қўзғалишнинг ўтказгичи функциясини бажарадиган алоҳида сезувчан протоплазмали ҳужайралар ўзаро бирикиб, хайвоннинг бутун танасига ёйилган нерв шохобчасини ташкил этади. Ковакичақлилардаги қисқичлар - ўлжани ушлаб туриш органлари юксак даражада сезувчандир. Организмнинг турли қисмида жойлашган ҳужайралар ўртасидаги боғланишлар шартли рефлекслар пайдо бўлишига, хотира жараёни шаклланишига олиб келган бўлиши керак.

Эволюцион занжирда ковакичақлилардан юксак турадиган ва бу ерда ҳаёт кечирадиган кўп ҳужайралиларда ҳаёт тарзининг ўзгарганлиги муносабати билан тананинг тузилиши мураккаблашади, қўғгатувчиларнинг маълум бир турларини акс эттирадиган ўзига хос органлар - сезги аъзолари ривожланади, акс эттириш шакллари ҳам анча мураккаблашади. Чувалчангнинг ҳар бир сегментида (мураккаблашган бўғинида) нерв ҳужайраларининг тугунлари - ганглийлари мавжуд бўлади. Ганглийлардан бири етакчи, асосий бўлиб, организмнинг исталган қисмида юз берадиган қўзғалишларни жамлайди, уларни таҳлил қилади, бошқа ҳужайраларга ўтказди, импульсларни сегментларнинг мушак аппаратида йўналтиради.

Хатти-ҳаракатларнинг инстинктив шакллари Чувалчангларнинг хатти-ҳаракатлари ковакичаклилардан кўра анча мураккаброқдир. Чувалчангларга фаол тарзда қидириш хусусияти хосдир. Бу улардаги шартсиз рефлекс элементларидан далолат беради. Айрим чувалчанг урғочиси тухумини ўзи билан олиб юради, ҳаракатланиб кислород билан таъминлайди, ёки айримлари ўзига жуфт танлаш учун узоқ йўл босади ва ҳоказо.

Бироқ шартсиз рефлекслар фақат ташқи муҳитнинг муқаррар тарзда қатъиян барқарорлиги шароитида ҳосил бўлади; муҳит эса доимо ўзгариб туради ва шунинг учун ҳам туғма таасуротларнинг генетик жиҳатдан программалаштирилган ҳолда ёйилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ганглий функцияли нерв тизимига эга бўлган ҳайвонларнинг акс эттириш имкониятлари шартсиз рефлекслар билангина чекланмайди. Ҳаёт кечириш жараёнида уларда туғма реакцияларга нисбатан янги, анча ҳаракатчан реакция шакллари - шартли рефлекслар пайдо бўлади. (Т-шаклидаги лабиринтдаги чувалчанг ҳаракатини мисол қилиш мумкин. «Т» шаклидаги лабиринтда жойлаштирилган чувалчанг берилган таъсирга жавобини тажриба 120-180 марта такрорлангандан кейингина ўзгартирган).

Бўғим оёқлиларда, айниқса ҳашаротларда муҳитнинг муайян шароитларига муносабат билдиришининг мураккаб, туғма шакли - инстинктлар мавжуддир. Инстинктлар - изчил равишда бир қанча мослашувчи ҳаракатларни келтириб чиқарган ҳолда халқасимон характер касб этади. (Ўргимчак тухуми учун пилла ясаб ўзи билан олиб юради, болалари мустақил ҳаракатлана бошлаши билан ташлаб кетади).

Асалариларда гуруҳий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган энг мураккаб инстинктларни кўрамиз. Асалари уясида битта она ари, бир неча ўнлаб эркак ва бир неча юзлаб бепушт ишчи арилар бўлади, ҳаммасининг иши турлича тақсимлангандай (ер араси овқат топиб келишини, уяни қараб чиқишини француз олими К. Фабри кузатган). К.Фабри арининг бир қолипдаги, мақсадга мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатини кузатган. Ер араси ўз уяси олдида чалажон чигирткани келтириб, уя олдида қўяди ва ичкарини қараб чиқиш учун кириб кетади, шу вақт тажриба ўтказувчи Фабри чигирткани бошқа жойга олиб қўяди, ари чиқиб қараса чигиртка ўрнида йўқ, қидириб топади ва яна уяси олдида олиб келиб қўяди ва уя ичига кириб кетади, олим яна олиб қўяди ва ҳоказо. Бу ҳолат 40 марта такрорланади.

Рус зоопсихологи В.А.Вагнер (1849-1934) урғочи ўргимчакнинг номақбул бўлиб қолган инстинктлари шароитида унинг хатти-ҳаракатларини кузатган.

(Ўргимчак пилласи ичидагини зараркунандалар еб кетса ҳам она ўргимчак кўриқлаб юраверади).

Бу мисоллар инстинктнинг чекланганлигини кўрсатади. Инстинктив ҳаракатлар муайян шарт-шароитларга қатъий боғлиқ бўлади.

Инстинктив ҳаракатлар ундан стандарт шарт шароитлар ўзгариши биланок ўзининг мақсадга мувофиқлигини йўқотади. Шундай қилиб, ҳатти-ҳаракатларнинг инстинктив шакллари фақат доимий шароитлардагина мақсадга мувофиқдир.

Жонзотнинг индивидуал ҳаёт кечириши жараёнида орттирилган ва туғма ҳатти-ҳаракат программасининг пухта бажарилишини таъминлайдиган тажриба инстинктларининг ривожланишига ёрдам беради. Шартли боғланишлар фақат феъл-атворнинг инстинктив ҳатти-ҳаракатлар программалари доирасида ҳосил бўлади. (Ўз насли учун қайғуриш инстинктини - балиқларда, ўзини ҳимоя қилиш инстинктини-скунс деган ҳайвоннинг ўзидан ёқимсиз ҳид чиқариб ўзини ҳимоя қилишида кўришимиз мумкин).

Содда ҳайвонларга қараганда умуртқали ҳайвонларда шартли боғланишлар мислсиз кўп ҳосил бўлади. Ҳайвон эволюцион тараққиётнинг юқори босқичига кўтарилган сари ҳосил бўладиган шартли боғланишлари ҳам шунча мураккаброк ва яна ҳам нафисроқ бўлиши мумкин.

Асаларида яна ҳам мураккаброк инстинктларни курамыз. Маълумки бир асалари уясида тухум кўядиган катта она ари, бир нечта эркак ари ва жуда кўп ишчи арилар бўлади. Энг мураккаб киликлар ишчи ариларда бўлади. Улар ёши ўзгара бориши билан оилада турли ишларни бажаради: уй тозалайди, личинкаларни овкатлантиради, уй куради, овкат йигади, эшик олдида коровуллик килади.

Ёш ҳайвонлар инстинктив ҳаракатларини кузатганимизда уларнинг хати-ҳаракатлари ҳеч қандай ўргатишсиз юз беришини, яъни ота- боболарининг ҳаракатларини уз- узидан такрорлаб кетаверишини курамыз. Лекин ёшларнинг ҳаракатлари каттлариникига нисбатан бир мунча ёмонрок булади. Наслдан утган ҳаракатлар праграммасини аниқ бажариш асосида ва тажрибанинг ортиши туфайли инстинктлар ўсиб боради.

Ҳаракатларнинг инстинктив шакли фақат бугимоёклиларда эмас, балки барча умуртқали ҳайвонларда (балик, анфбия, куш ва хашоратларда) куриш мумкин. Уларда жинсий, овкатланиш, химояланиш инстинктлари куплаб учрайди.

Шундай қилиб ҳайвонларнинг инстинктив ҳаракатларини 4 гуруҳга булиш мумкин:

Овкатланиш инстинкти – хайвонларнинг уз ва боласи учун овкат кидириб топиш, овкат гамлаш ҳаракатлари.

Химояланиш инстинкти - хайвоннинг уз ҳаётини ва омонлигини саклаш ҳаракатларида ифодаланиб, у икки қуринишда содир бўлиши мумкин. Биринчиси, душманга хужум қилиш, иккинчиси, узини химоя қилиш. Ҳар бир хайвон узини душмандан саклаш учун бирор органидан (шоҳлари, туёқлари, тиш-тирноқлари, тиконлари каби) ёки захарли суюқликдан фойдаланади. Масалан, африка кобраси уз захарини 3,5 м масофага ота олади.

Насл қолдириш инстинкти. Бу ота-оналик инстинкти сифатида қуриниб насл-авлод учун гамхурлик қилиш, уни маълум вақтгача овкат билан таъмин этиш, хав-хатардан саклаш, уз болаларини парвариш қилиш тугма маҳоратига эга бўлиб, уз наслининг келажаги ҳақида гамхурлик қилади.

Туда бўлиб яшаш инстинкти. Бу инстинкт хайвонларнинг турли усуллар билан узаро алоқа қилишида, хилма-хил шаклда биргалашиб, тудалашиб, пода бўлиб, гала бўлиб яшашларида зохир бўлади.

Юқори даражадаги хайвонларда биринчи уринда янги, бир мунча пластик, яъни шароитга қараб ўзгара оладиган ҳатти-ҳаракатлар чиқади. Улар оламни анча кенг акс эттириш имкониятини беради. Хайвонлар тараққиётининг қанчалик юқори босқичида турса улар турли мувақат боғланишларни шунчалик тез ҳосил қиладилар.

Оламни акс эттиришнинг бундан кейинги босқичи индивидуал ҳаёт тажрибалари асосида ҳосил қилинган бир мунча мураккаб, шу билан бирга, пластик ҳаракатлар туфайли бўлади. Индивидуал пластик ҳаракатлар учун муҳитни, шу пайтдаги шароитни анализ ва сентиз қилиш ҳосдир.

Жонли материя акс эттиришнинг ривожланишида навбатдаги босқич ҳатти-ҳаракатнинг янги белгиларини мустақил ҳосил қилишга асосланган. Нафис-ўзгарувчан-пластик индивидуал ҳатти-ҳаракатнинг янада мураккаброк шакллари келтириб чиқаради. (Товуққа дон сепиб олдини тўр билан тўсиб қўйилса, ўзини бир неча марта сим тўрга уради, кейин ўтиш жойини топиб олади.).

Юқсак тараққий этган хайвонларда ҳатти-ҳаракатнинг инстинктив шакллари билан бир қаторда ўзгарувчан индивидуал шакллари - малакалар ва интеллектуал ҳатти-ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлади. Малакалар деганда хайвонларнинг шартли боғланишларига асосан бажарадаган ва автоматик тарзда такрорланадиган ҳатти-ҳаракат тушунилади. (қуённинг ноғора чалиши, занжирдаги боғлиқ итнинг кейинги оёғи билан емишини тортиб олиши).

Айникса сут эмузувчилар шароитни анча яхши тахлил кила оладилар ва узгарган мухитга уз харакатларини мослаштира оладилар. Юкори даражадаги хайвонларда инстинктив харакат билан бир каторда тез узгарувчан индивидуал харакатлар – малакалар ва фахм билан алокадор харакатлар ҳам мавжуд булади.

Б. Келлер маймуннинг харакатларини батафсил кузатиб «Юкори даражада ташкил топган хайвонлар шароитни анализ килиш асосида фахм билан алокадор харакатлар кила олади» деган хулосага келган. Кейинчалик америка психологи Иеркс, австрия психологи К.Бюлер, голландиялик психолог Бойтендайк ҳам маймунлар билан тажрибалар утказиб юкоридаги фикрни тасдикладилар.

Хайвонлардаги фахм билан алокадор харакатларни ўрганиш масаласи билан рус олимлари ҳам шугулланган. Бу ишни дастлаб зоопсихолог-дарвинист олим В.А.Вагнер бошлаб берган эди. Кейинчалик эса И.П.Павлов, Н.Н.Ладигина-Котс, Н.Ю.Войтонис, Г.З.Рогинский, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев каби олимлар бу ишни давом эттирдилар. Айникса Ладигина-Котснинг шимпанзе боласи билан психикасининг ривожланиши устида утказган тадқиқотлари бутун жахонга машхурдир.

Рус олимларининг каламушлар, товуклар, карга, ит ва маймунлар устида олиб борган тадқиқотлари хайвонларда психиканинг ривожланиш боскичлари, уларда куникмалар хосил булиши ва фахм билан алокадор харакатлар кила олишини билишда жуда катта ахамиятга эга булади.

Одамсимон маймунлар куплаб фахм билан алокадор харакатлар кила олишда бошка хайвонлар ичида алохида уринда туради. Масалан, одамсимон маймунларнинг бир тури приматлар бошка сут эмизувчи хайвонларга караганда факат овкат манбаларинигина эмас, балки ҳамма турдаги нарсаларни тимирскилаб, текшириб куришга жуда устадир. Бундай кизиқишни И.П.Павлов «саботли», «бегараз кизикувчанлик», «синчковлик импульси» деб атаган эди.

Маймундаги ана шу хусусият, бунинг устига уларда кузнинг юксак даражада тараккий килганлиги уларнинг идрок доираларини бекиёс равишда кенгайтиради, тажриба бойликларини нихояда ошириб юборади ва куникмаларнинг таркиб топишида, мураккаб харакат шакллариининг вужудга келишида бошка хайвонларга караганда унга кенг имкониятлар яратади.

Бошка хайвонларга караганда маймунларда текшириш рефлексининг кучлилиги улардаги кул типдаги оёкнинг мавжудлигидир. Чунки улар «кул» ёрдамида теварак-атрофдаги нарсалар билан жуда мураккаб муносабатларга киришиш имкониятига эгадир. Шунинг учун уларда бошка хайвонларда булмаган вақтли богланишлар куплаб хосил булади.

Хайвонлар ҳам узаро муносабатда буладилар ва бир-бирини тушунадилар. Хатто ганглиоз нерв системасига эга булган хайвонлар ҳам катта-катта галага уюшиб хаёт кечиради.

Чумолиларнинг тили янада мураккабдир. Олимларнинг утказган тадқиқотларидан маълум бўлишича, чумолилар бир-бирини жуда яхши тушунар экан. Бунда улар топган улжаси, хавф – хатар ва бошқа куп эҳтиёжлари хақида бир-бирини хабардор қилади.

Хуш, улар қандай қилиб гаплашади? Купчилик олимлар чумолиларнинг узаро алоқа қиладиган асосий тили – кимёвий тил булса керак, дейишади. Чумолилар қайси томонга юришини, хавф-хатарни ва бошқа сигналларни хидли модда чиқариш билан маълум қилади. Кимёвий сигналлар чумолиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш йулларидан бири холос. Умуман олганда, бу хашоратларнинг «нутқи ва алоқа воситалари хилма-хил».

Ганлиоз нерв системасига эга булган хайвонларнинг турли киёфада туришлари, товуш сигналлари, хид тарқатишлари, ҳар хил усулда суйқалишлари уларда тил вазифасини утайди.

Хашаротларнинг тудадаги ялпи хатти –ҳаракатлари мақсадга мувофиқлиги ва уйғунлиги билан кузатувчини хайратда қолдиради. Лекин уларнинг бу ҳаракатлари негизида ахборот олувчи хайвонларнинг бир хилдаги реакциялари ётади. Уларнинг реакцияларида заррача ҳам англаш, ахборотларни қайта ишлаш ҳолларини мутлақо учратмаймиз.

Юқоридагилардан қуриниб турибдики, психиканинг тараккиёти нерв системасининг тараккиёти билан ҳамбарчас боғлиқ экан. Одамнинг нерв системаси эса бош миё ва унинг қобик қисми шаклланганлиги билан белгиланади ва унда психиканинг энг юқсак қуриниши – онгнинг пайдо булганлигини қурсатади.

Инсон психикаси хайвон психикасидан ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Инсон ўзи англаган заруратга қўра онгли хатти-ҳаракат қилиш қобилиятига эга.

2. Одамнинг хайвондан иккинчи фарқи унинг қуролларни яратишга ва саклашга лаёқатли эканлигидир. Хайвонлар ҳам қурол ясаши мумкин, лекин улар қуролни одамлар сингари биргалашиб, жамоа бўлиб ясамайди.

3. Инсон психик фаолиятининг ажралиб турадиган учинчи белгиси ижтимоий тажрибанинг биридан иккинчисига утқазилиб туришидир.

4. Хис-туйғулардаги тафовут хайвон билан инсон уртасидаги туртинчи жуда муҳим тафовут бўлиб ҳисобланади. Хис-туйғу иккисида ҳам бор. Факат инсон бошқа кишининг гам-гуҳссасини ва қувончини биргаликда баҳам қура олади, факат одамгина табиат манзараларидан завқланади.

5. Инсон психикасининг хайвон психикасидан энг муҳим фарқи уларнинг ривожланиш шарт-шароитларида қуринади. Агар хайвонлар психикасининг усиши биологик қонунлар асосида қуй берса. Инсон тажрибани узлаштирмасдан, узига ухшаганлар билан мулоқотда булмасдан туриб унинг онги ривожланмайди. Масалан, Амола ва Қамола. Шундай экан, инсон ижтимоий муносабатлар маҳсулидир.

2-Боб. Психик акс эттиришнинг сифат жиҳатдан ўзгариши

2.1. Ҳайвонлар интеллектуал ҳатти-ҳаракатлари.

Айрим нарсалар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг акс эттирилиши интеллектуал ҳатти-ҳаракатлар негизини ташкил этади. (Қарга кўз ўнгида гўшти ишга боғлаб найча ичидан ўтказиши, иккинчи найчага ўтиб кетишини кузатиб тургандан кейин қарга гўштининг қаерда пайдо бўлишини кутиб туради ва ҳоказо...).

Юксак тараққий этган ҳайвонлар, нарсалар ўртасидаги муносабатларни пайқаш қобилиятига ва мазкур вазиятнинг натижасини олдиндан билиш, яъни ўша нарса агар у ҳаракат қилаётган бўлса, қаерда пайдо бўлишини ҳисобга олиш қобилиятига эгадир. Бундай ҳатти - ҳаракатни энди ақлий (интеллектуал) ҳатти-ҳаракат деб айта оламиз.

Маймунлар интеллекти (ақли) улар бажарадиган вазифаларнинг фақат мураккаблиги билан эмас балки улар фаолиятининг йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. (Улардаги кузатувчанлик). Маймун овқат излаётиб, меваларнинг истеъмол қилиш мумкин бўлганларини истеъмол қилиб бўлмайдиганлари ва заҳарлиларидан бехато ажратади. Лекин кўп ҳолларда инстинктив ҳаракат устунлик қилади. (Америкалик олимлар Г. Харлоу, М. Харлоу, С. Суомиларнинг янги туғилган маймун болачаларига «темир она» ва «юмшоқ она» бериб ўтказган тажрибасини эслаш кифоя). Маймуннинг индивидуал тажрибаси ҳам шунга асосланади. Интеллектуал ҳатти-ҳаракатлар ҳайвонларнинг кўпинча яширин имконияти сифатида қолиб кетади. Рафаэль исмли шимпанзе мева солинган қутига ўтиш учун ёниб турган спирт лампасини дастлаб тасодифан сувли бочкадан сув олиб ўчирди, кейин қутини бошқа жойга олиб қуйилганда атрофда сув бўлишга қарамай барибир аввалги бочкадан сув олиб ўчирди.

Маймунларнинг интеллектуал ҳаракатлари тахминий ҳаракатлар жараёнида конкрет амалий тафаккур шаклида юз беради. Юксак тараққий этган маймунлардаги ҳатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг тақлидчанлигидадир Ҳайвон қаторасига бир неча бор муваффақиятсизликка дуч келгандан кейингина масалани ҳал қилишнинг юксакроқ даражадаги усулига, яъни интеллект (ақл-идрок) билан иш кўриш усулига мурожаат қилади. Интеллектуал ҳатти-ҳаракат ҳайвонларнинг кўпинча яширин имконияти сифатида қолиб кетади.

Психолог Ладигина - Котс (1889-1963) маймунларнинг «Қурол ясаши» турли ёғоч калитлардан фойдаланиш усулини кузатди. Маймунларнинг

интеллектуал ҳаракатлари тахминий ҳаракатлар жараёнида конкрет амалий тафаккур шаклида юз беради. Юксак тараққий этган маймунлардаги ҳатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусияти уларнинг тақлидчилигидир. (Пол супуриши, артиши, бешик тебратиши ва ҳоказо).

2.2. Ҳайвонлар мулоқоти ва «тили».

Асалари ширага бой гулни топиб келаётиб «раксга тушади» ва бошқаларни хабардор қилади. Юксак тараққий қилган ҳайвонлар (қушлар, сут эмизувчилар)нинг тўдасида ўзаро муносабатларнинг муайян шакллари мавжуддир. Ҳайвонларнинг ҳар қандай тарзда бирон бир тўдага бирлашуви муқаррар равишда тўдадагиларнинг бир-бири билан алоқа қилишлари учун зарур бўлган «тил»нинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳар қандай тўдада биологик жиҳатдан тенгсизлик қарор топади: кучли ҳайвонлар кучсизларини ўзига бўйсундиради. Кучсиз бўйсунганлик аломатини кўрсатади. Ҳайвонларда қиёфа, суйканиш «тили»дан ташқари эшитиладиган сигналлар «тили» ҳам бор. Сайроқи қушларда, делфинларда, маймунларда мураккаб товуш сигнали борлиги маълум. Ҳайвонларнинг «тили»да фақат битта нарсa етишмайди-ҳайвонларнинг «тили» одамларнинг тилидан фарқли ўлароқ, тажрибани ифода этиш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди.

Психиканинг муҳитга ва аъзоларнинг тузилишига боғлиқлиги. Агар жонли мавжудотларнинг ҳаёт кечириш муҳити ҳамма жойда мутлақо бир хил бўлганида, эҳтимол, ер юзи бир хил турдаги ҳайвонлар билан тўлиб кетган бўларди. Ҳақиқатда муҳит ҳар хил.

Барча жонзот мавжуд шарт-шароитларга мослаша боради. Акс эттириш усуллари қанчалик юксалган сари ҳайвонларнинг мазкур тури муҳитнинг бевосита таъсиридан шунчалик озод бўла боради.

Яшаш шароитларининг кескин ўзгариши ҳайвонларнинг жойини ўзгартиришга мажбур этиш азалдан маълум. Чўл тошбақаси ва майда кемирувчилар иссиқ кунлар бошланиши ва қишки совуқ тушиши олдида ўзларининг нормал ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларга анча мос келадиган ҳарорат сақланадиган чуқур ин қазиб, ер тагига кириб кетади. Бу ўринда инстинктлар ҳаракат қилади. Фил ўзига сув сепа бошлайди, қалин сояга яширинади. Маймун ҳам иссиқдан яхши сақланиши учун имкон берадиган жойни танлашга ва тайёрлашга уринади. Бунда инстинктлардан ташқари индивидуал ҳаёт кечириш жараёнида орттирилган тажриба - шартли боғланишлар ҳам кўл келади

Муҳит - жонли организмнинг ҳаёт кечириш шарт - шароити, жонли мавжудотлар ҳаёт кечиришининг бош омили, бошқача айтганда, жонли организмларнинг ҳаёт кечириши муҳитнинг шарт шароитлари билан аниқ белгилаб қўйилгандир.

Психика ва нерв тизимининг эволюцияси. Акс эттиришнинг бир-бирига ўхшашлиги энг аввало сезги аъзолари ва нерв тизимининг тузилишига боғлиқ.

Рецепторларнинг ривожланиши маълум даражада муайян турдаги нерв тизимининг ривожланиши билан бирга боради. Сезги аъзолари ва нерв тизимининг ривожланиш даражаси муқаррар равишда психик акс эттиришнинг даражаси ва шаклини белгилаб беради.

Ривожланишнинг қуйи босқичида (масалан, ковакичақлиларда) нерв тизими бутун организм бўйлаб тарқалган ва ўзаро чатишиб кетган тўрсимон нерв ҳужайраларидан таркиб топган бўлади. Бу тўрсимон нерв тизимидир.

Ривожланишнинг кейинги босқичида нерв тизими сифат жиҳатидан бир қатор ўзгаришларга учрайди. Нерв ҳужайралари фақат тўрлар эмас, балки тугунлар (ганглийлар) ҳам ҳосил қилади. Тугунли ёки ганглийли нерв тизими энг кўп миқдордаги қўзғатувчилар таъсирини қабул қилиш ва қайта ишлаш имконини беради.

Тугунли нерв тизимининг мураккаблашуви юксак тараққий этган умуртқасиз ҳайвонларда - ҳашаротларда кузатилади. Тананинг ҳар бир қисмида ганглийлар қўшилиб, бир-бири билан нерв йўллари орқали боғланган нерв марказларини ҳосил қилади.

Нерв тизимининг олий типи - найчасимон нерв тизимидир. Умуртқалиларда эволюция жараёнида орқа ва бош мия-марказий нерв тизими пайдо бўлади ва ривожланади. Ҳайвонларда нерв тизими ривожланиши билан бир пайтда сезги органлари ривожлана ва такомиллаша боради. Нерв тизими ва рецепторларнинг ривожланишига мувофиқ равишда психик акс эттириш шакллари ҳам мураккаблашади. Янгидан-янги психик функциялар пайдо бўлади, борлари такомиллашади. Нерв тизими қанчалик мураккаб бўлса психика ҳам шунчалик мукаммал бўлади.

Марказий нерв тизимига эга бўлган ҳайвонлар муҳитнинг таъсирини анча ўхшаш ҳолда акс эттиради. Бунда юксак даражада уюшган ҳайвонлар нерв фаолиятининг асосий фондини шартли рефлекслар йиғиндиси ташкил этади.

Шундай қилиб, психиканинг эволюцияси рецепторлар функциялари шакллари, шунингдек сигнал фаолиятининг мураккаблаштирувида

сезгирлиги турличадир. Бироқ бир хилдаги муҳит шароитларида, ҳайвонларда фақат бир типдаги рецепторлар ривожланади ва етакчи бўлиб қолади, деб ўйлаш ярамайди. Ўргимчак бир хилдаги муҳитнинг ўзида тебранишига қараб мўлжалга олади; қурбақа - киши эшитадиган шитирлашга, кўршапалак - ултратовушга, ит - кўпроқ ҳидга (барча ҳидларга ҳам эмас, балки органик кислоталар ҳидига, ҳид сезгиси пасайган кезларда - хушбуй нарсалар - гуллар, ўтлар ҳидига) қараб мўлжал олади ва ҳоказо.

Муҳит аллақандай доимий нарса эмас. Ҳар қандай материя сингари муҳит ҳам эволюциялашади. Ушбу эволюциялашувчи муҳитга унда яшайдиган ҳайвон тури мослашади. Яшаш шароитининг тубдан ўзгарганлиги одамсимон маймунларнинг ҳатти-ҳаракатлари сифат жиҳатидан қайта ўзгаришига сабаб бўладики, бу оқибат натижада ерда одамнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳайвонлар тили канчалик мураккаб ва хилма-хил булмасин, улар бир-бирини канчалик яхши тушунмасин, ҳайвонлар «тили» да битта энг муҳим нарса етишмайди, у ҳам булса ҳайвонлар тили тажриба алмашиш ва уз тажрибасини кейинги авлодга мерос қилиб бериш воситаси була олмайди. Ана шуниси билан ҳайвонлар тили инсонлар тилидан тубдан фарк қилади.

2.3. Инсон психикасининг ҳайвон психикасидан фарқи

Меҳнат фаолияти жараёнида онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти. Одам психикаси билан энг тараққий этган ҳайвон психикаси ўртасида ҳам жуда катта тафовут мавжуд. Масалан, ҳайвон «тили» билан одам тилини бир-бирига таққослаб бўлмайди. Биринчидан, ҳайвон «тили» сигнал, хабар берса, инсон тили бундан ташқари ўз тажрибаларини ҳам баён қилади. Иккинчидан, тафаккурдаги тафовут. Ҳайвон фақат кўриниб турганларни идрок этиладиган вазият чегараларидагина ҳаракат қилиши мумкин. У бундан ташқарига чиқиши, шу вазиятни мавҳумлашган ҳолда акс эттириб мавҳумлаштириш принципни ўзлаштириши мумкин эмас. Ҳайвон- бевосита идрок қилинадиган вазият қулидир.

Кишининг хулқ-атвори мазкур конкрет вазиятдан абстракциялашувга (мавҳумлашишга) ва ушбу вазият муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни олдинроқ пайқаш лаёқатига кўра ажралиб туради. (Кемага сув кира бошлаши билан тешигини тузатиш, ёнилғи камайиши билан учувчининг самолётни яқинроқ аэродромга қўндиришни мўлжаллаши ва ҳоказолар шунга мисол бўла олади).

Ҳайвонларнинг конкрет амалий тафаккури уларни муайян вазиятдан бевосита таъсиротга бўйсундиради, одамнинг мавҳумлашган ҳолда тафаккур юритишга бўлган қобилияти унинг ушбу муайян вазиятга бевосита

боғлиқлигини бартараф этади. Киши муҳитнинг бевосита таъсиринигина эмас, балки уни ҳали кутаётган таъсирларини ҳам қайтаришга қодирдир.

1. Киши хусусан ўзи англаган заруратга кўра - онгли ҳатти - ҳаракат қилиш қобилиятига эга. Бу инсон психикасининг ҳайвон психикасидан энг биринчи муҳим фарқидир.
2. Одамнинг ҳайвондан иккинчи фарқи унинг қуролни яратишга ва сақлашга лаёқатли эканлигидир. Ҳайвон қуролни конкрет кўриниб ва таъсир этиб турган вазиятда яратади, ишлатади ва кейин ташлаб юборади. Муайян вазиятда қурол ўз ролини бажариб бўлгандан кейин у маймун учун қурол сифатида мавжуд бўлмай қолади. Ҳайвон доимий нарсалар оламида яшамайди, жамоа бўлиб қурол яратмайди. Одам эса, олдиндан ўйланган режага биноан қурол яратади, фойдаланади, сақлайди. Инсон нисбатан доимий нарсалар оламида яшайди. Киши қуролдан биргалашиб фойдаланади.
3. Инсон психик фаолиятининг учинчи белгиси - ижтимоий тажрибани бирдан иккинчисига ўтказиб туришидир. Турли вазиятларда ҳайвон ҳам, одам ҳам индивидуал тажриба орттиради. Лекин фақат одамгина ижтимоий тажрибани ўзлаштиради. Киши психикасини кўпроқ даражада у эгаллаб турган ижтимоий тажриба ривожлантиради.
4. Ҳис-туйғуларни ривожлантиришда худди абстракт тафаккурнинг ривожланишида бўлгани каби, воқеликни кўпроқ даражада адекват (бир хилда) акс эттириш воситаси мужассамлашгандир. Шунинг учун ҳис-туйғулардаги тафовут ҳайвон билан инсон ўртасидаги тўртинчи, жуда муҳим тафовутдир.

Инсон психикасининг ҳайвон психикасидан, энг муҳим фарқи уларнинг ривожланиш шарт-шароитларида кўринади. Агар ҳайвонот дунёсининг ривожланиши давомида психиканинг тараққиёти биологик эволюция қонунларига биноан рўй берган бўлса, инсон психикасининг, киши онгининг ривожланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунларига бўйсунди. (Ҳайвонлар орасида ўсган одам боласи, Маугли, Тарзан, Амола ва Камола)

Инсон психикаси материя эволюциясининг бутун жараёни давомида тайёргарликдан ўтди. Психика ривожланишининг таҳлили бизга онг пайдо бўлишининг биологик шарт-шароитлари ҳақида гапиришимизга имкон беради. Демак инсон-ижтимоий муносабатлар маҳсулидир.

Маймуннинг одамга, тўданинг жамиятга айланишига таъсир кўрсатган муҳим омил - бу меҳнат фаолияти, яъни қуролларни биргаликда яратиш ва қўлланиш жараёнида одамлар томонидан амалга ошириладиган меҳнат фаолиятидир.

Меҳнат фаолияти-ижтимоий муносабатлар ривожланишининг шарт-шароити ва натижасидир. Шундай қилиб меҳнатнинг пайдо бўлиши ва кишилик жамиятининг тузилиши одамнинг одамсимон аجدодларининг одамга айланишига сабаб бўлган деб ҳисобланади.

Меҳнатда кишининг онги - акс эттиришнинг эволюцион йўналишидаги энг олий шакли ашёвий фаолиятнинг объектив барқарор хусусиятларини ажратиб олиш ва шу асосда атрофдаги реалликни тубдан ўзгартира олиш хусусиятига эга бўлган шакли ҳам ривожлана боради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳайвонлар тасодифий нарсалар оламида яшайди, одам эса ўзига доимий нарсалар оламини яратади. Одам яратган ўзидан олдинги авлодлар бажарган иш жараёнлари, ҳатти-ҳаракатлар ва фаолиятнинг моддий ифодаси ҳисобланади. Қуроллар орқали бир авлод иккинчи авлодга иш жараёнлари, ҳатти-ҳаракатлари, фаолият тарзида ўз тажрибасини етказди.

Меҳнат фаолияти давомида одамнинг диққат-эътибори яратилаётган қуролга ва бинобарин, ўз фаолиятига қаратилган бўлади. Кишининг фаолияти онгли фаолиятга айланади.

Қуроллар ишлаб чиғариш қанчалик юқори даражада бўлса, акс эттириш даражаси ҳам шунга мувофиқ равишда юқори бўлади. Демак, меҳнатнинг ижтимоий ташкил этилиши жараёнида қурол ишлаб чиқариш даражасининг юксалиши ва онгли фаолиятни шакллантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Табиатга таъсир кўрсатган ва уни ўзгартирган ҳолда одам шу билан бир қаторда ўзининг шахсий моҳиятини ҳам ўзгартиради. Одам табиат маҳсулини ўз ҳаёти учун яроқли шаклда ўзлаштириб олиш учун ўз танасидаги табиий кучларни: қўл ва оёқларини, бош ва бармоқларини ҳаракатга келтиради. Шу ҳаракат воситасида ташқи табиатга таъсир қилиб ва уни ўзгартириб одам, шу билан бирга, ўз табиатини ҳам ўзгартиради.

Меҳнатнинг таъсири остида қўлнинг янги функциялари қарор топди: қўл ҳаракат қилишда ғоят даражада эпчиллик кашф этди, анатомик тузилиш секин-аста такомиллаша борган сари елка ва билакнинг ўзаро нисбати ўзгара борди, барча бўғимларнинг, айниқса қўл бармоқларининг ҳаракатчанлиги ошди. Бироқ

қўл фақат ушлайдиган қурол сифатида ҳам ривожланди. Меҳнат фаолияти шунга олиб келдики, фаол ҳаракат қилувчи қўл аста-секин фаол (пайпаслаб) сезишга ихтисослашган органга айлана бошлади. Пайпаслаб сезиш - оламни билишнинг одамга хос бўлган алоҳида хусусиятидир.

Қўлнинг ривожланиши бутун организмнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда давом этди. Қўлнинг иш қуроли сифатидаги ихтисослашуви танани тўғри тутиш, тик юриш ривожланишига ёрдам берди.

Ишлайдиган қўлларнинг ҳаракати доимо кўз билан назорат қилиб турилади. Кўриш ва сезиш органлари ўртасида кўплаб боғланишлар ҳосил бўлади. Қўлнинг фаолияти миyaning ривожланишига айниқса катта таъсир кўрсатди.

Меҳнатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишининг овқатга, бошпанага ва шу қабиларга бўлган эҳтиёжларнинг бекиёс даражада муваффақиятли тарзда қондирилишига олиб келди

Шундай қилиб, меҳнат кишилиқ жамияти тараққиётига, инсоний эҳтиёжларнинг шаклланишига, фақат акс эттирувчи эмас, балки дунёни ўзгартирувчи, инсон онгини ўзгартирувчи бўлган инсон онгининг ривожланишига сабаб бўлди,

Меҳнат жараёнида меҳнат билан бирга алоқа боғлашнинг тил ёрдамида амалга ошириладиган олий шакли ривож топди.

Онгининг ва воқелиқни акс эттиришнинг онгга хос шакллари ривожланиши билан биргаликда шахс сифатида одамнинг ўзи ҳам ўзгармоқда.

Меҳнатда кишининг онги - акс эттиришнинг эволюцион йўналишидаги энг олий шакли - ашёвий фаолиятнинг объектив барқарор хусусиятларини ажратиб олиш ва шу асосда атрофдаги реалликни тубдан ўзгартира олиш хусусиятига эга бўлган шакли ҳам ривожлана боради.

Одам ва ҳайвон психик ривожланиш ўртасидаги тафовутларни, айниқса турли аъзоларнинг такомиллашуви, меҳнат қуролларини яратиш, сақлаш, ишлатиш муаммолари сингарилар антропогенез (антропос - одам, генезис - туғилиш, келиб чиқиш) муаммолари доирасига киради.

Хулоса

Ҳайвонлар ўз ҳатти-ҳаракатларида биринчи сигнал системасига амал қилади. Ҳайвонларнинг бутун психик фаолияти биринчи сигнал системаси даражасида юз беради. Одамда ҳам биринчи сигнал системасининг сигналлари (конкрет тимсоллар, тасавурлар), унинг хулқ-атворини бошқариш ва йўналтиришда муҳим рол ўйнайди. М: светофор, йўл кўрсаткичлари, белгилар ва хоказолар киши ҳатти-ҳаракатларини қисман автоматлаштиришига хизмат қилади. Ҳайвонлардан фарқли ўларок, одамда биринчи сигналлар системаси билан бир қаторда унинг алоҳида бойлиги ва афзаллиги бўлган иккинчи сигнал системаси ҳам мавжуддир. Иккинчи сигналлар системасининг сигналлари талаффуз этилган, эшитилган, ўқилган сўзлар-иккинчи сигналлардан иборатдир.

Айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, психикани объектив оламнинг субъектив тарзи, воқеликнинг миёдаги акси деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Психология психикани ўрганишнинг ўз конкрет илмий вазифаларига, ўзининг конкрет тадқиқот МАЪРУЗАсига эга. Психология таъсир кўрсатувчи объектлари бўлган субъектнинг ички, психик ҳолатига ташқи таъсиротлар натижасида рўй берадиган ўзгаришлар жараёни қандай кечишини ўрганади.

30-йилларнинг ўрталарига келиб психология фанининг асосий принциплари: детерминизм принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи, психиканинг фаолиятда ривожланиши принципи аниқ ифодаб берилди.

1. Детерминизм принципи психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгаришини англатади.

2. Онг ва фаолият бирлиги принципи психологияда қабул қилинган принципи онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш ҳам эмас, аммо бирликни ташкил этади. Онг ва фаолият бирлиги принципи психологларга хулқ-атворни, фаолиятни ўрганаётиб, ҳаракатнинг мақсадларига эришишни муваффақиятини таъминловчи ички психологик механизмларни аниқлаш, яъни психиканинг объектив қонуниятларини очиш имконини беради.

3. Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиш принципи шунинг англатадики, психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изоҳлаб берилиши мумкин.

Ҳозирги замон психологияси шаклланишининг турли босқичларида ва амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг жуда ҳам кенг тармоқли тизими ташкил этади.

Фойдаланилган адабаётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 2008 йил.
2. И.А.Каримов Баркамол авлод Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент 2008 йил.
3. Асмолов А. Г. Деятельность и установка. М. Изд. МГУ 1979
4. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.1979.
5. Абульханова-Славская К. А. Деятельность и психология личности. М.1980.
6. Казаков В. Г.Психология. М1989, 55-68 бетлар.
7. Немов Р.С. Психология. М.1990.
8. Умумий психология, А. В. Петровский тахр. Т.1992, 97-134 б.
9. Умумий психология, Э.Ғ.Ғозиев тахр. Т. 2006, 1-2- китоб.